

Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 432

Навоий шаҳри

2022 йил « 13 » январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Н.И. асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи Н.Б.Ниязбеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан, Ўзб.Рес.Президент таълим муассасалари агентлиги Навоий шаҳардаги Президент мактаби номидан Низом асосида фаолият юритувчи ижрочи директори в.в.б Д.Тухфатуллина (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. **Ижрочи** қўриқлаш бошқармасининг Харбийлаштирилган соқчилик қўриқлаш туридан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи:** Навоий шаҳар Навоий кўчас 34-б уй жойлашган Ўзб.Рес.Президент таълим муассасалари агентлиги Навоий шаҳардаги Президент мактаби маъмурий биносини (келгусида «**Объект**» деб юритилади) 1 та 24 соатлик, соат 09.00дан соат 09.00гача Харбийлаштирилган соқчилик пости оркали қўриқлаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

Навоий шаҳар Навоий кўчас 34-б уй жойлашган Ўзб.Рес.Президент таълим муассасалари агентлиги Навоий шаҳардаги Президент мактаби маъмурий биносини (келгусида «**Объект**» деб юритилади) киритиш чикиш 4 соатлик, соат 08.00дан соат 12.00гача Техник куриқлаш пункитининг ташвиш тугмаси оркали қўриқлаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. **Объект**нинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлар) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. **Объект**даги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. **Объект**ни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. **Объект**ни ёнгиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. **Объект**ни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

8. Мазкур шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифлар ва смета-ҳисобларга мувофиқ тарзда белгиланади ва у шартноманинг ажралмас қисми саналади (илова-1)

9. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда янги тарифлар асосида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

10. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

11. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига ақцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайтарилган ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар қўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-кечак, бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочи вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бар этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган натижасида етказилган зарарни ундириш.

13. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган кўздан кечириш далолатномасига а қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализация объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, ша текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчир воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 5 метр узоқликда (об жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлик қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализация ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирок далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг теги ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини оч объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқ турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнат бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 15 кун ол огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳа Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгилан тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кунда қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлиги ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиг биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёкиланган ҳолда қолиб кетишининг олдини ол ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймастик;

қўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдор ассортиментни, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшири журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳол қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналар қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириш натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пул рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

14. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

15. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш. мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори ассортиментни, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш

ириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;
объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартиб, моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;
пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир мартали кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;
объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;
объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;
ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;
Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курул-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;
қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

16. Мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

17. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

19. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.
20. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

21. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:
ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамастан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қарорига кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;
Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

22. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

23. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

24. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

25. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига беvosита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

26. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

27. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

(Агар Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилган бўлса ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради).

28. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳам, Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан ража жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

29. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади: ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

30. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорик таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

31. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

32. Ижрочи кетма-кет уч марта пост қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

34. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

35. Мазкур шартнома кучга кириш билан 27.10.2021 йилдаги 2476-сонли шартномалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«ҚЎРИҚЛАШ»: Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси.

Манзил: Навоий шаҳар С.Айний кўчаси 81-уй ХХТУТ: 1712401-0601ХХ 97920

Х/Р: 21596000803988528001 МФО: 00020 СТИР: 20142469

Банк бўлими: Марказий банк ББ Навоий шаҳар ХККМ.

«БУЮРТМАЧИ»: Ўзб.Рес.Президент таълим муассасалари агентлиги

Навоий шаҳардаги Президент мактаби

Манзили: Навоий шаҳар Навоий кўчаси 34-б уй

Ҳисоб рақам: _____

МФО: _____

ИНН: _____


Банк бўлими: _____

1000 108 601 240 170 923 003 47001



«ИЖРОЧИ»
Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

Н.Б.Ниязбеков
МУХР



«БУЮРТМАЧИ»
Навоий шаҳардаги Президент мактаби ижрочи директори в.в.б

Д.Тухфатуллина
МУХР

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси
бошлиғи

Н.Б.Ниязбеков

Ўзб.Рес.Президент таълим муассасалари агентлиги
Навоий шаҳардаги Президент мактаби
ижрочи директори В.В.б

Д.Тухфагуллина

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПҚ-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПҚ-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес.Миллий Гвардияси кўмондонининг 2021 йил 13-сентябрда тасдиқлаган тарифига асосан, Навоий шаҳардаги Президент мактаби биносини Харбийлаштирилган соқчилик хизмати пости орқали куриклаш сарф-харажатлари тугрисидаги

Х И С О Б - С М Е Т А

№	Объектни номланиши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Куриклаш тури	Куриклаш соатлари			Ой мобайнида куриклаш соати	Куриклаш хизмати нархи			
				Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	Уртача 1 ойга	Худуд коэффиценти	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
2	Навоий шаҳардаги Президент мактаби	Навоий шаҳар Навоий кўчас 34-б уй	Харбийлаштирилган соқчилик хизмати	09/09	09/09	09/09	730	32 252	23 543 960	1 390 824	24 934 784
Итого:									23 543 960	1 390 824	24 934 784

1 ой учун жами:

24 934 784,00

Йигирма тўрт миллион тўққиз юз уттиз тўрт минг етти юз саксон тўрт сўм 00 тийин

Навоий вилояти Қўриқлаш
бошқармаси МИБ бухгалтери
Ж.Х.Сайтов

Навоий вилояти Қўриқлаш
бошқармаси МИБ ШХЮБ бошлиғи
М.М.Зойров

Изоҳ: 1) Ушбу куриклаш хизмати харажатлари ҳисоб-сметаси _____ .2022 йилдаги _____-сонли шартнома 1-иловаси ҳисобланади.

2) Мазкур ҳисоб-смета 2021 йил "01" _____дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

Н.Б.Ниязбеков

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзб.Рес.Президент таълим муассасалари агентлиги
Навоий шаҳардаги Президент мактаби
ижрочи директори в.в.б

Д.Тухфатуллина

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПҚ-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПҚ-5029 қароридан ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес.Миллий Гвардияси кўмондонининг 2021 йил 13-сентябрда тасдиқлаган тарифига асосан, Навоий шаҳардаги Президент мактаби биносини кириб-чикиш жойига техник қўриқлаш ташвиш тугмаси орқали қўриқлаш сарф-харажатлари туғрисидаги

Х И С О Б - С М Е Т А

№	Объектни номлаши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Қўриқлаш тури	Қўриқлаш соатлари			Ой мобайнида а қўриқлаш соати	Қўриқлаш хизмати нархи			
				Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	урғача 1 ойга Худ. Коэфф. сиз 20%	Худуд коэффиценти 20 %	Урғача 1 ойга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Навоий шаҳардаги Президент мактаби	Навоий шаҳар Навоий кўчас 34-б уй	таш.тугма	08/12	08/12	-	102	3 128	319 056	29 547	348 603
	Жами								319 056	29 547	348 603

1 ой учун жами: 348 603,00 Уч юз кирк саккиз минг олти юз уч сўм 00 тийин

Навоий вилояти Қўриқлаш
бошқармаси МИБ бухгалтери
Ж.Х.Сайитов

Навоий вилояти Қўриқлаш
бошқармаси МИБ ШХЮБ бошлиғи
М.М.Зоиров

Изох: 1) Ушбу қўриқлаш хизмати харажатлари ҳисоб-сметаси _____, 2022 йилдаги _____-сонли шартнома 1-иловаси ҳисобланади.
2) Мазкур ҳисоб-смета 2021 йил "01" _____дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.